

Қуръони Карим дарслари (88-дарс). Қуръоннинг Қуръон билан насх бўлиши



13:30 / 02.06.2020 5354

(тўртинчи мақола)

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

«Эй иймон келтирганлар! Сизга ризқ қилиб берган нарсаларимиздан на олди-сотди, на ошна-оғайничилик ва на шафоатчилик йўқ Кун келмасидан олдин нафақа қилинг» (254-оят).

Насх қилинган оятларнинг сонини кўпайтирувчилар ушбу ва шунга ўхшаш оятлар закотнинг фарзлигини ифода қилган оятлар ила насх қилинган, дейдилар. Аслида эса ундай эмас. Нафақа ҳам, закот ҳам алоҳида шаръий ҳукмлардир.

Ушбу зикр қилинган бешта сабаб ва яна зикр қилинмаган бошқа сабабларга кўра, насх қилинган оятларни кўпайтириш ишқибозлари ўз фаолиятларини жуда ҳам кенгайтириб юборганлар.

Учинчи йўл – насх масаласида мўътадил бўлган уламоларнинг йўли.

Улар насхнинг маъносини тўғри тушунган, нозик жойларигача англаб етган ва мустаҳкам асосга эга бўлган режа ила иш тутган уламолардир. Ушбу улуғ уламолар ўзларининг илм денгизларини ишга солиб, шариат ҳукмлари тарихига назар солиб, шариатнинг қоидаларини ўрнига қўйиб иш юритганлар. Улар насх – шаръий ҳукмни бекор қилиш эканини чуқур англаб етганлар. Собит бўлган шаръий ҳукмлар фақатгина собит далил билан насх бўлишини яхши билганлар. Шунингдек, улар мутавотир хабар оҳод хабар билан насх бўлиши мумкин эмаслигига иттифоқ қилганлар.

Бирор оятнинг насх қилинганини билиш учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ёки саҳобийдан нақл қилинган очиқ-ойдин «Фалон оятни фалон оят насх қилган» деган саҳиҳ хабар бўлиши керак. Насхни аниқлашда муфассирларнинг гапи ёки мужтаҳидларнинг ижтиҳоди ҳужжат бўла олмайди. Бу борадаги барча қоидаларга асосланиб иш юритган муҳаққиқ уламоларимиз насх қилувчи ва насх қилинган оятларнинг сони еттитадан ошмаслигини алоҳида таъкидлаганлар.

Насх қилинган ва насх қилувчи оятлар қуйидагилардан иборат:

1. Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

«Бирортангизга ўлим келганда, агар у яхшилик (бойлик) қолдираётган бўлса, ота-она ва қариндошларга маъруф ила васият қилиш тақводорларнинг бурчи ўлароқ сизларга фарз қилинди» (180-оят).

Ушбу ояти карима нозил бўлганидан кейин ўлаётган одам мол-мулк қолдирадиган бўлса, ўша молнинг қанчаси кимга берилишини васият қилмоғи лозим бўлган. Ўша васият асосида мерос тақсимланган. Бу ояти каримага бир муддат амал қилинганидан кейин, Нисо сурасидаги «мерос оятлари» деб аталадиган иккита оят нозил қилиниб, унга амал қилиш бошланиши билан юқоридаги оят насх бўлган. Шу билан бирга, аввалги оят Қуръони Каримда қолган. Унинг ҳукмига амал бекор қилинган бўлса ҳам, тиловати бардавом бўлган.

Ушбу насхни таъкидловчи ривоят ҳам келган.

Ўлган эрнинг боласи бўлса, унинг хотинига меросдан саккиздан бир, боласи бўлмаса, чорак берилади.

6. «Эрга яримни ёки чоракни қилди».

Ўлган хотиннинг боласи бўлмаса, ярим, боласи бўлса, чорак меросни унинг эри олади.

(Давоми бор)

«Қуръон илмлари» китобидан